

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*  
магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



## **СҮЗ БОШИ**

### **1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети  
Кадрлар буюртмачиси: ЎзРФА Зоология институти.

### **2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича  
ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг  
2018 йил «18» 08 даги 4 - сонли йигилишида маъқулланган.

### **3. ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

### **4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ**

Мазкур малака талаблари Ўзбекистон Республикаси худудида расмий  
чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги ҳамда таянч ОТМга тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 5A630102 – Экология ( <i>тармоқлар ва соҳалар бўйича</i> ) магистратура мутахассислигининг умумий таснифи.....	4
1.1 Кўлланиш соҳаси .....	4
1.2 5A630102 – Экология ( <i>тармоқлар ва соҳалар бўйича</i> ) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи .....	4
2. 5A630102 – Экология ( <i>тармоқлар ва соҳалар бўйича</i> ) мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.1 Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.2. 5A630102 – Экология ( <i>тармоқлар ва соҳалар бўйича</i> ) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .....	7
3. 5A630102 – Экология ( <i>тармоқлар ва соҳалар бўйича</i> ) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	8
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	9
3.2. Илмий фаолиятга қўйиладиган талаблар.....	11
3.3. 5A630102 – Экология ( <i>тармоқлар ва соҳалар бўйича</i> ) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	13

**1. 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура  
мутахассислигининг умумий таснифи**

5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўгрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўкув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даражаси) си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўкув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва  
битирувчиларнинг малака (даражаси)**

Ўкув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўкув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Мутахассисликнинг ўкув режа ва фан дастури	Магистр	2 йил

**1.1. Кўлланиш соҳаси**

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ушбу малака талаблари асосида тайёрланган ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хукуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиц, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш хукуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** магистратура мутахассислиги – Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, табиатни муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи ташкилотларда, Ер ресурслари, давлат кадастри ва картография давлат қўмиталарида, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи идоралар ҳамда «Экохаракат» республика ва вилоят бўлинмаларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, экологик йўналишдаги нодавлат ташкилотлари ва давлат бошқаруви идораларида, илмий тадқиқот ташкилотларида мутахассисликка оид комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгартиришлар бўлиши мумкин.

**1.2.2. 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

- фанлар академияси ва тармоқ илмий-текшириш институтлари ҳамда олий ўкув юртларининг илмий-тадқиқот бўлимлари;
- умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- қишлоқ хўжалиги давлат қўмитаси бўлимлари;
- олий ва ўрта маҳсус таълим тизими ташкилотлари;
- давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, иқтисодиёт ва молия бош бошқармалари;
- илмий, техникавий ва технологик масалалар билан боғлиқ академик, илмий тадқиқот ва муассаса ташкилотлари;
- глобал, миллий, регионал ва локал даражадаги табиий, антропоген, табиий-хўжалик, экологик-иқтисодий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш системалари;
- барча турдаги хўжалик фаолияти экологик таркибий қисмларининг бошқарилиши, назорати, мониторинги;
- таълим, маориф ва аҳоли саломатлиги;
- демографик жараёнлар;
- барча даражадаги барқарор ривожланиш дастурлари.
- турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари;
- статистика соҳаси турли бўлимларидан фойдаланувчи ҳар хил шаклдаги мулк, саноат ва бизнес ташкилотлар мажмуи.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгартиришлар бўлиши мумкин.

**1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- Илмий-тадқиқот фаолияти;
- Ишлаб чиқариш фаолияти;
- Ташкилий-бошқарув фаолияти;
- Олий, малака ошириши ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида (ўрнатилган тартибда);

• Турли хизматлар кўрсатилиши кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий мослашув имкониятлари:**

5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги битирувчилари кадрларни қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимида кўшимча касб таълимини олиши мумкин.

Шунингдек, магистрлар касбий мослашув имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари:**

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда докторант ва мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

**2. 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

**2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши;
- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи-назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий гоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош гоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий гоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;
- табиат ва жамиятда юз берётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиши;
- шахснинг инсон, жамият, атроф-мухитга бўлган муносабатини тартибга солувчи хуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянган ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хуқуқий хужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услугубига, оғзаки ва ёзма нутқни аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулиятга эга бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирилган фанларнинг асосий конунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усусларини эгаллаши;
- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;

- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиши;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаши;
- патент олиш учун меъёрий иш ҳужжатлар тайёрлай олиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

**Магистр:**

- мутахассисликлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- мутахассисликлари доирасида танланган мутахассислик бўйича олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда докторант ва мустақил изланувчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Илмий-тадқиқот фаолиятда:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш;
- илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш қобилиятига эга бўлиши лозим.
- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;
- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;
- иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;
- амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш мухитини такомиллаштириш қобилиятларига эга бўлиши лозим;

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);**

- умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб бакалавриат ва магистратура ўкув режаларида ўзлаштирилган фанлар доирасида назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўtkазиш;
- ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўtkазилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўкув фанларини ўқитиши методикасини эгаллаши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўкув машғулотларини ўtkazish;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўtkazish учун зарур бўлган ўкув-методик хужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўtkazish учун ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидиув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиши учун ўкув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўкув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

#### **Турли хизматлар кўrsatiш:**

- мутахассислик бўйича оила, гендер, демографик сиёsat, бандлик муносабатлари, иқтисодий-ижтимоий ва демографик жараёнларга баҳо бериш ҳамда жараёнлар прогнозини ишлаб чиқиш;
- магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўrsatiш қобилиятига эга бўлиши лозим.

### **3. 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

Магистратура мутахассислиги ўкув режаси ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишининг ўкув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан кўйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлари;  
илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишида ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чукур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тайомилларини ҳисобга олиши керак.

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаш тутиши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишида ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимиш-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий мухитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараённи машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер стимуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва х.к.) шаклларни ўтказиши, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида кўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг кўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларининг хукуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўқув режасига мувофиқ равишида магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар Умумметодологик фанлар блоки:**

илмий-тадқиқот методологияси, илмий тадқиқотлар асослари, тадқиқот жараёнини тавсифлаш, холосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усусларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши;

таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши;

амалий хорижий тилни ўзлаштириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассислклари ўқув режаларидағи умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

### **Мутахассислик фанлари блоки:**

табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш  
барқарор ривожланиш ва унинг экологик жиҳатлари  
экологик бошқарув  
экологик таълим тарбия  
биологик хилма-хиллик  
ижтимоий экология  
ҳозирги замон экологик муаммолари  
магистратура мутахассислиги бўйича назарий ва амалий билимларни, ўкув ва  
кўникмаларни шакллантириши;  
магистратура мутахассислиги бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан  
фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;  
магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб  
фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва  
тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни  
таъминлаши керак.  
истиқболли экологик режалар туза олиш;  
табиатни муҳофаза қилиш бўйича қарорлар қабул қила олиш;  
экологик менежмент, экологик экспертиза, экологик аудит ва паспортизация ишларини  
олиб бориш  
табиий ресурслардан рационал фойдаланишда халқаро ҳамкорлик ва трансчегаравий  
муаммоларни ҳал қила олиш;  
экосистеманинг барқарорлигини ва уни бошқариш йўлларини;  
Ўзбекистонда учрайдиган экосистемаларни;  
экспериментал маълумотлардан якуний илмий хуносалар чиқара олиш;  
экосистемалардаги жараёнларни мониторинг қила олиш;  
компьютер дастурларидан фойдаланиб экосистемаларни кузатиш ва уларнинг ҳолатини  
таҳлил қила олиш;  
ижтимоий экологиянинг минтақавий муаммоларини;  
инсон саломатлигига табиий муҳит ўзгаришларининг - мутаген, концероген моддалар  
таъсирини;  
аҳоли сонининг ўсиши ва унинг табиий муҳитга таъсирини баҳолай олиш;  
узлуксиз экологик таълим тизимида экологик таълим ва тарбиянинг аҳамиятини;  
замон талабларига жавоб берувчи рақобатбардош кадрларни тайёрлашда экологик  
маълумотнинг ролини билиш;  
экология ўқитишининг амалий шаклларини: экскурсия, амалий ва лаборатория  
машғулотларини олиб бора олиш;  
экологик таълим ва тарбия беришда янги педагогик методлардан фойдалана олиш;  
магистратура мутахассислиги бўйича назарий ва амалий билимларни, укув ва  
кўникмаларни шакллантириши;  
магистратура мутахассислиги бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан  
фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;  
магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб  
фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва  
тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни  
таъминлаши керак.  
Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талabalар  
томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ва илмий-  
педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

### **Танлов фанлари:**

*Танлов фанлари маркиби ва мазмуни соҳа бўйича республика ҳамда хориждаги  
етакчи мутахассис-олимларнинг муаллифлик курслари ва муаммоли маъruzalari*

*асосида, фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талаблари асосида шакллантирилади ҳамда белгиланган аудитория соатларининг машгулот турлари бўйича тақсимоти ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

#### **Курс ишига қўйиладиган талаблар**

Курс иши мавзулари масъул кафедра қарори билан мутахассислик фанлари доирасида белгиланиб мазкур фан бўйича олинган билимларни бойитишига хизмат қилиши керак.

#### **3.2. Илмий фаолиятга қўйиладиган талаблар:**

**Илмий фаолият:** илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини, магистрлик диссертациясини тайёрлашни, илмий семинар ва илмий амалиёт (стажировка)ни назарда тутиши лозим.

#### **Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар**

Илмий-тадқиқот иши ОТМнинг илмий-тадқиқот лабораторияларида, академик ва соҳа илмий-тадқиқот институтларида, корхона ва ташкилотларнинг тадқиқот бўлинмаларида ўтказилади.

Илмий-тадқиқот ишларни таълим муассасаларида, илмий марказларда, чет эл мамлакатларининг корхоналари ва ташкилотларида икки тарафлама ёки бошқа битимлар асосида ўтказишга рухсат этилади.

Илмий-тадқиқот ишининг ҳажми, ташкилий ва илмий-методик таъминланиши кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрловчи кафедра томонидан ишланган дастурда белгиланади;

#### **Илмий-тадқиқот иши:**

- магистратура мутахассислиги бўйича объектлар ва жараёнларнинг намунавий моделлари ва уларни тадқиқ қилиш методикаларини ўрганиш;
- экспериментал тадқиқотларни бажаришда қўлланиладиган стенклар, замонавий аппаратуралар ва бошқа жиҳозларни ўрганиш ва баён қилиш;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотларни ўтказиш;
- экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш ва акс эттириш, хуносалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш, тавсияларни ишлаб чиқиш;
- мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини шакллантириш;
- фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланишини назарда тутади.

#### **Илмий-педагогик ишга бўлган талаблар**

Илмий-педагогик иш ОТМ ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида ўтказилади. Шунингдек, мутахассислигига мос ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасида ҳам ўтказилиши мумкин. Илмий-педагогик иш икки тарафлама ва бошқа битимлар асосида хориж мамлакатлари олий таълим муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

#### **Илмий-педагогик иши:**

- замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўкув-тарбияиўларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириш;
  - ўкув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш, укув ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим;
- шунингдек:
- маҳсус фанлар бўйича машғулотларнинг ҳар хил турлари: маърузалар, лаборатория ишлари, амалий ва бошқа машғулотларни ўтказиш бўйича стажировка;

- маъруза матнлари ва машғулотларни ўтказиш режаларини тузиш;
- янги педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиш ва қўллаш;
- талабалар билимини баҳолашда рейтинг-назорат тизимини қўллаш;
- талабалар мустақил ишини ташкилий ва ўқув-методик таъминлашни ўрганиш;
- услубий кўрсатмаларни тузиш;
- тарбиявий ишларни ўтказишни назарда тутади.

#### **Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар**

Магистрлик диссертацияси мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг мутахассислар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Магистрлик диссертацияси мавзусини танлаш ва илмий раҳбарни тайинлаш биринчи ўқув йилининг биринчи икки ойи давомида амалга оширилади. Ишнинг бажарилиши мос мутахассислик бўйича фан доктори илмий даражаси ёки мутахассислар тайёрловчи кафедра бўйича ушбу таълим муассасасида фаолият кўрсатувчи илмий даражада илмий унвонга эга бўлган ўқитувчи илмий раҳбарлигида бажарилади. Илмий маслаҳатчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюоролари ҳамда ишлаб чиқаришнинг юқори малакали мутахассислари таклиф қилиниши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг мазмуни *тизимлаштирилган қўринишида илмий-тадқиқот* (ёки илмий-техникавий ечим) нинг дастлабки асосларини, унинг бажарилиб боришини ва олинган натижаларини қайд қилиши керак. Бунда илмий асослар (ёки илмий-техникавий ечимлар) ҳар тарафлама таҳлил қилиниши, мавжуд мукобил варианларда кўриб чиқилиши ва улардан бирининг танланишига асосланиши лозим.

Магистрлик диссертацияси натижалари бўйича олинган маълумотни матн ёки кўргазмали материал кўринишида мустаҳкамланади, унда муаллиф томонидан мавзунинг назарий ёки амалий аҳамияти исботланади. Матн ва кўргазмали материал *ҳажми ва мазмунининг тавсифи* магистрлик диссертацияси мавзусининг йўналиши (илмий ёки илмий-техникавий) ва мутахассислар буюртмачилари талабларига боғлиқ ҳолда мутахассислар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.

Белгиланган муддатда бажарилган магистрлик диссертацияси Давлат аттестацияси комиссияси: илмий раҳбар хуносаси, соҳа бўйича илмий ходим ёки мутахассиснинг ташки тақризи ва мос мутахассисликнинг магистр таълим дастури бўйича шахсий режа бажарилганлиги ҳақидаги маълумотнома билан бирга тақдим этилиши лозим.

Магистрлик диссертацияси Давлат аттестация комиссияси ва жамоа олдида очиқ ҳимоя қилинади.

#### **Илмий семинарга бўлган талаблар**

Илмий семинар магистратура талабаларида тадқиқот ишларини олиб бориш ва магистрлик диссертацияларини тайёрлаш кўнинмаларини шакллантиришга, магистрантнинг назарий-методологик тайёргарлигини чуқурлаштириш ва йўналтиришга, илмий-тадқиқот фаолияти технологияларини амалий эгаллашларини таъминлашга йўналтирилган. Илмий семинарнинг асосий мақсади магистратура талабаларида илмий коммуникация кўнинмасини шакллантириш, илмий-тадқиқот иши натижаларини унинг турли босқичларида муҳокомасини ташкил этишдан иборат. Илмий семинар ОТМ да ёки ЎзФА ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида 1, 2, 3 семестрлар мобайнида ўтказилади.

#### **Илмий семинар:**

- магистрлик диссертацияси мавзуи бўйича манбаларни (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий монографиялар, мақолалар, маъruzalар, услубий адабиётлар ва ҳ.к.) ўрганиш;
- маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

– амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича маъруза тайёрлаш ва илмий семинарда маъруза қилишни назарда тутади.

#### **Илмий амалиёт (Стажировка).**

Илмий амалиёт илмий-тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини бажариш жараёнида амалга оширилади. Илмий амалиёт (Стажировка) магистратура мутахассислиги бўйича мақсадли касбий таълим ўкув режа ва дастурларини ўзлаштириш, магистратура талабаларида илмий-тадқиқот компетенцияларини шакллантириш, таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш йўли орқали магистрлар энг янги илмий-техник ривожланишдаги ютуклар ҳамда иқтисод, фан, техника, маданият ва соғлиқни сақлаш тармоқларидағи замонавий техника ва технологиялар базасида илмий тадқиқот ишлари, тақозо этганда индивидуал илмий изланиши ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

#### **Илмий амалиёт (Стажировка):**

- илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;
- табиий ва ижтимоий-иктисодий географиянинг бошқа соҳа ва тармоқларидағи замонавий техника ва технологияларда қўлланилиши билан таништириши;
- амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириши;
- касбга самарали мослашувни таъминлаши лозим.

Бунда илмий амалиёт (стажировка)га йўлланган магистратура талабаси ўкув жараёни жадвалини индивидуал график асосида ҳам бажариши қўзда тутилади. Ушбу ҳолатда стажировкани ташкил этиш тартиб-қоидалари амалдаги норматив-хуқуқий хужжат (Низом) асосида олиб борилади.

### **3.3. 5A630102 – Экология (тармоқлар ва соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги ўкув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўкув ишларини ўз ичига олган ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўкув даври учун ҳафталик ўкув юкламалардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўкув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошлангич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни қўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гурухлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фойизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 40 фойизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўкув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўкув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўкув режаларига мувофиқ равища якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқишининг норматив муддати 2 йил бўлганда ўкув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият	54 ҳафта
Аттестациялар ва давлат аттестацияси	7 ҳафта
Илмий амалиёт (стажировка)	21 ҳафта
Таътиллар	18 ҳафта
<b>Жами</b>	<b>100 ҳафта</b>

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустакил таълими кўзда тутилади.

Ўқиши даврининг умумий ҳажми қуидагида тақсимланishi зарур:

назарий таълим-	30-45 %;
аттестация -	4-7 %;
таътиллар -	15-20 %;
илмий фаолият -	55-70 %.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуидагиларга бўлинади:

илмий тадқикот иши, илмий-педагогик иш ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш – 40-50 %;

илмий семинар - 10-15 %.

Илмий амалиёт (стажировка) - 35-45 %.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар - 16 %;

мутахассислик фанлари - 54 %;

танлов фанлари - 30 %.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

Касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўқув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, кўникма, биосфера, экосистема, биогеоценоз, ценоз, ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар, биологик ҳилма-хиллик, популяция, тур, продуцентлар, консументлар, редуцентлар, литосфера, гидросфера, атмосфера, ландшафт, горизонтал структура, вертикал структура, чўл, адир, тог, яйлов, барқарор ривожланиш, табиатдан фойдаланиш, табиат муҳофазаси, ноёб турлар, камёб турлар, эндемизм, инсон экологияси, ижтимоий экология, экологик таълим, экологик тарбия, сув муҳити, ҳаво муҳити, тупроқ муҳити, экологик омиллар, биотик омиллар, абиотик омиллар, антропоген омиллар, максимум таъсирлар, минимум таъсирлар, сувнинг ифлосланиши, тупроқнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, шўрланиш, курсоқчилик, иқлим ўзгаришлари, глобаллашув, минтақалар муаммолари, ичимлик сув, озон қатлами, экологик валентлик, экологик харита, Орол денгизи, экологик мониторинг, демография, экологик экспертиза.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим  
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Миллий университети

Ректор  **A.P. Марахимов**

201<sup>8</sup> йил « 4 » 08

М.Ү.

Ўзбекистон Республикаси

Фанлар Академияси

Зоология институти

Директор  **Б.Р. Холматов**


201<sup>8</sup> йил « 4 » 08



М.Ү.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги ҳузуридаги Олий ва  
ўрта махсус, касб-хунар  
таълимини ривожлантириш  
маркази

Директор  **Б.Х.Рахимов**

201<sup>8</sup> йил « 4 » 08  
М.Ү.



Гулистон давлат университети

Ректор  **М.Т.Хаджиев**











201<sup>8</sup> йил « 7 » 08  
М.Ү.



